иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

599 Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва хисобга куйишнинг хабардор килиш тартиби тургисидаги низомга ўзгартиш ва кушимчалар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чоратадбирлари тўгрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ−4455-сонли Фармонига мувофик:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ—357-сонли қарори билан тасдиқланған Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатига олиш ва ҳисобга қуйишнинг хабардор қилиш тартиби турисидаги низомга иловага мувофиқ узгартиш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти


И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 14 ноябрь, ПК-2066-сон

> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 ноябрдаги ПҚ−2066-сон қарорига 1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатига олиш ва хисобга қуйишнинг хабардор қилиш тартиби туғрисидаги низомга киритиладиган узгартиш ва қушимчалар

1. 10, 12, 13, 33-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «ўзи келган холда ёки почта алоқаси орқали» сўзлари «ўзи келган холда, почта алоқаси ёки Интернет тармоги орқали» сўзлари билан алмаштирилсин.





- 2. Қуйидаги мазмундаги 131-банд билан тулдирилсин:
- «13¹. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш учун мазкур Низомда назарда тутилган хужжатлар, 11-банднинг «г» кичик банди тўртинчи хатбошида ва 33-банднинг олтинчи хатбошида кўрсатилган хужжатлар мустасно этилган холда, Интернет тармоги орқали бир нусхада такдим килинади ва мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади. Қогозда расмийлаштирилган ва (ёки) берилган сканерланган хужжатларни такдим этишга йўл қўйилади.

Руйхатдан утказувчи орган томонидан берилган, мазкур Низомда назарда тутилган электрон хужжатлар мавжуд булган такдирда, уларнинг асл нусхаларини мурожаат этувчи Интернет тармоги оркали такдим этишга хакли».

- 3. 24-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «24. Рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъектига реал вакт режимида, Давлат солик кумитаси ва Давлат статистика кумитасининг Интернет тармогидаги тегишли идоравий сайтларидан фойдаланган холда олинган СТИР ва ОКПО кодларини беради».
 - 4. 25-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
 - 5. 28-банд:

қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тулдирилсин:

«Электрон шаклда тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган ҳужжатлар, руйхатдан утказувчи орган ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзоланади. Бунда мурожаат этувчи, узининг суровномаси буйича қоғозда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатларни узи келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали ҳам олиш ҳуқуқига эга.

Мазкур бандда назарда тутилган хужжатларни топшириш санаси Ўзбекистон Республикаси давлат интерактив хизматларини кўрсатиш Ягона порталидан фойдаланувчининг шахсий кабинети оркали тегишли электрон хужжатларни мурожаат этувчи томонидан қабул қилиб олган кун ҳисобланади, унинг мавжудлиги ҳақида мурожаат этувчи рўйхатдан ўтказувчи органга хабар беради»;

бешинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб хисоблансин.

- 6. 30-банднинг биринчи хатбошидан «ва ариза-хабарнома нусхасини» сўзлари чикариб ташлансин.
 - 7. 32-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат статистика органлари — руйхатдан утказувчи орган томонидан берилган статистика кодларини текширади ва юридик шахсни Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритади».

- 8. 38¹-банднинг биринчи хатбошидаги «унинг тикланган нусхаси (дубликати) берилиши мумкин» сўзлари «унинг тикланган нусхаси, шу жумладан электрон шаклдаги дубликати такдим қилинади. Бунда давлат рўйхатига олинганлиги тўгрисида электрон шаклда аввал берилган гувохнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади» сўзлари билан алмаштирилсин.
 - 9. Низомнинг 3-ва За-иловалари ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

